

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 166 (913)

20
АВГУСТ
СЕШАНБА
1957 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЯНН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Касаба союзларининг Бутуниттифок Марказий Кенгашига табриги (1-бет).
Совет касаба союзларининг 50 йиллиги муносабати билан Жаҳон касаба союз федерациясининг Бутуниттифок касаба союзлари Марказий Советига Луи Сайяннинг мактуби (1-бет).
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва

Боливия Республикасининг Президенти Эрнан Силес Суасо телеграмм олишди (1-бет).
Индонезия Республикаси элчихонасида қабул маросими (1-бет).
Бельгия Компартияси Марказий Комитети делегациясининг СССРда бўлиши тўғрисида (1-бет).
Касаба союзлари — коммунизм мактаби (2-бет).
Ҳосили кам гўзаларни сифатли парварिश қилиб, август охиригача

10-12 тадан кўсак етиштирайлик! Н. Рихсиев, А. Алиев. — Мағрурланишга ўрин йўқ (3-бет).
МИРЗАЧУЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ: П. Донской. — Мирзачулни ўзлаштиришда олимларнинг иштироки (3-бет).
Президент Хо Ши Миннинг Болгарияда бўлиши тўғрисида ахборот (4-бет).
В. Абдуллаев. — Бир умр эсда қолдиган учрашувлар (4-бет).

Совет касаба союзларининг шонли 50 йиллиги

Совет ҳалқи барча социалистик мамлакат меҳнаткашлари ҳамда бутун жаҳондаги дўстлари билан биргаликда мамлакатимиз касаба союзларининг шонли 50 йиллигини байрам қилмоқда.

Бундан ярим аср муқаддам қор самодержавие ва капитализм куралигида қарши революцион кураш ўтида тутилган совет касаба союзлари улутвор тарихий йўлни босиб ўтдилар, дастлаб ўз сафарида бир неча юз минг кишини — бирлаштирган ташкилотдан эндиликда салкам эллик миллионлик, жаҳонда энг катта касаба союз ташкилотига айландилар.

Мамлакатимизда капиталистлар ва помешчилар ҳокимиятини ағдариб «ахшаш учун олиб борилган курашнинг биринчи сафарида бўлган совет касаба союзлари олдига Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қўйилган катта вазифалар пайдо бўлди. «Улар, — деб баён эди совет касаба союзлари тўғрисида В. И. Ленин, — янги жамиятнинг асосий шижаралари бўлмоқдалар, чунки кўп миллионли оммагина бу жамиятнинг ижодкори бўлиши мумкин». Совет касаба союзлари ҳамини Коммунистик партия раҳбарлиги остида янги, социалистик жамият барпо қилиш учун олиб борган қарамонона курашнинг барча босқичларида Лениннинг ана шу кўрсатмасига тўла муносиб ва содиқ бўлиб қолдилар. Улар Ленин бариб этган партиямиз доно раҳбарини остида мамлакатимиз меҳнаткашларининг чинакам оммавий ташкилотини, коммунизм мактабини, социалистик ҳўжаликни бошқариш мактабини бўлиб етидган совет касаба союзлари ҳалқимизнинг қизғин муҳаббатига ва чекисиз ишончига сазовор бўлди.

Совет касаба союзларининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон касаба союзлари республика, шу жумладан областимиз меҳнаткашларининг ҳаётий дарфаларини ҳимоя қилишда, уларнинг моддий ва маданий турмуши даражасини тинимай юксалтиришда бой тажриба тўпладилар. Ўз сафарида миллиондан ортиқ аъзони бирлаштирган республика касаба союзлари партия раҳбарлиги остида меҳнаткашларнинг энг оммавий, жанговар ташкилотини, чинакам коммунизм мактабини, социалистик мусобақа сингари ажойиб ҳалқ ҳаракатларининг ташкилотчили ва раҳбари бўлиб қолдилар. Улар ихтиёридаги 275 кўча, маданият саройи, 1160 киниз бурчак, 283 киностановка, 300 катта кутубхона ўзбек халқига, шу жумладан областимиз меҳнаткашларига хизмат қилмоқда. 35 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган 1800 балий ҳаваскорлик тўғракарлари тармоғи касаба союз ташкилотлари раҳбарлиги остида тинимай ўсиб бормоқда.

Касаба союзларининг эллик йиллик юбилейи эндиликда ҳўжалик ва маданий қўрилишда касаба союзларининг ролини янада ошириш, меҳнаткашларни Улут Октябрь 40 йиллиги шарафига олдинга социалистик мажбуриятларни муваффақият билан бажаришга янада кенгроқ сафарбар қилиш белгиси остида байрам қилинмоқда. Совет касаба союзлари мамлакатимиз тарраққотилиши барча даврларида бўлиши сингари ҳозир ҳам партия XX съезди директиваларини амалга ошириш учун курашнинг авангарди бўлмоқдалар. Улар меҳнат умумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, меҳнат шартини яхшилаш, фан ва техника ютуқларини, новаторларнинг илгор тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жўбни қилиш масалалари билан чуқур ва системал равишда шуғуланмоқдалар. рационализаторлик ва ихтироичилигини авж олдириш учун тинимай курашмоқдалар.

Совет касаба союзлари оммани ишлаб чиқариш бошқариш ишига жалб этиш, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини юксалтириш учун тинимай курашиб, кўп йиллик бой тажриба орттирдилар, социалистик

мусобақа сингари гоят муҳим воситанинг барча афзалликлари билан биргаликда фойдаланмоқдалар, унинг андидан-янги формаларини вужудга келтирмоқдалар.

Касаба союзларининг бутун фаолияти мамлакатимиз меҳнаткашларининг тинимай ўсиб бораётган моддий ва маданий ихтиёжларини тобора кўпроқ қондиришга қаратилгандир. Партиямиз XX съездининг мамлакатимиз меҳнаткашлари турмуши даражасини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирларини изчиллик билан амалга оширишда совет касаба союзлари актив роль ўйнамоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги қарори совет кишилари тўғрисидаги буюк ғамхўрликнинг ана бир ёқин ибодаси бўлди. Олтинчи беш йилликда уй-жой қурилиши юзасидан партия XX съезди белгиланган берган программа бажарилиб, яна қолмай, балки ортиги билан адо этилди. Биргина республикаимизнинг ўзида бу йил қурилиш министриги бўйича юз минг квадрат метрга яқин уй-жой қурилиб, фойдаланишга берилди. Партия ва ҳўкуматимизнинг бу қарори муносабати билан бутун мамлакатимиз, шўнингдек республикамиз ва областимиз касаба союз ташкилотлари олдига кўпалаб уй-жой бинолари қуриш учун илгор саноат корхоналари коллективлари, дастлаб горькийликлар башлаб берган ташаббусни ҳўқ тарофлама кўлаб-қувватлаш ҳамда бу ҳаракатини умумхалқ ҳаракатига айлантириш, коллектив бўлиб ёки яқин тартибда уй-жой қурувчиларга барча воситалар билан ёрдам кўрсатиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон касаба союз ташкилотлари, шу жумладан, Тошкент, Чирчиқ, Олмалик, Янгийўз ва бошқа шаҳарларнинг касаба союз ташкилотлари бу ишда асосий ташаббусчи бўлишлар зарур.

Иқинда партия Марказий Комитети ва Иттифок ҳўкумати Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини янада ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилиб, республикада 63 та, шу жумладан областимизда 7 та янги совхоз ташкил этишга қарор қилди. Шу муносабат билан бутун республикаимизда бўлгани сингари областимизда касаба союз ходимлари олдига ҳам янги тўғилаётган совхозларда касаба союз ишини йўлга қўйишдек муҳим вазифа турди.

Партиямиз саноат ва қурилиш бошқариш қайта қурилган ҳозирги пайтда касаба союзларининг ишини қайта қуриш, уларнинг фаолиятини бевосита ишлаб чиқаришга яқинлаштиришнинг муҳим вазифа қилиб қўйди. Бу, дошманлик касаба союз ташкилотларининг ишини тўбдан ахшилатишга олиб келди.

Совет касаба союзлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида кенг меҳнаткашлар оммасини совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализм руҳида тарбияламоқдалар, уларнинг марксизм-ленинчи онгиланишини тинимай оширмоқдалар, ҳалқаро алоқаларини тобора кўпроқ кенгайтирмоқдалар. Совет касаба союзлари тинчлик, бирлик ва ишчиларнинг ҳалқаро ҳамкорлиги ишига дом содиқлиги, бундан 12 йил муқаддам Жаҳон касаба союзлари федерациясини тузишда актив роль ўйнаганилиги, турли мамлакат меҳнаткашлари билан қардошларча алоқа бораб, барча касаба союз ташкилотлари билан дўстона муносабатларини тинимай ривожлантиришдаги тўғайиб бўлган бутун дўш меҳнаткашларнинг ишонча ва муҳаббатини қозонди. Ўз фаолиятида марксизм-ленинизм принципларида, Коммунистик партия сиебатига оғинамай амал қилаётган совет касаба союзлари бундан бундан ҳам ўз шонли традицияларига содиқ бўлиб қолади, миллий ва интернационал алоқаларини тинимай кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Коммунизм мактаби — совет касаба союзларига шон-шарофлар бўлсин!

Касаба союзларининг Бутуниттифок Марказий Кенгашига

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети СССР касаба союзларига ҳамда бутун эркак ва аёл ишчиларга, инженерларга, техникларга, хизматчиларга, фан, маданият ва санъат ҳодимларига мамлакатимиз касаба союзларининг эллик йиллиги муносабати билан самимий салом ва қизгин табриклар йўллади.

Россия ишчилар синфи томонидан 1905 — 1907 йиллардаги революцион курашлар олдига вужудга келтирилган бизнинг касаба союзларимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлиги остида шовли жанговар йўлни босиб ўтдилар. Касаба союзлари тузилгандан бундан ўтган эллик йил давомида улар ўзларини кундалик кураши билан ишчилар синфининг тув манфаатларининг муносиб ҳимоячилари қилиб кўрсатдилар, ҳаминча ва ҳар ишда улар ишчилар синфининг ишончли талчи бўлиб қолдилар.

Касаба союзлари меҳнаткашларнинг фикр-қирини, умид-орзуларини ифодалаб ҳали шиддатли кураш йилларидаёқ, бизнинг мамлакатимизда чоризмини ва буржуа помешчилар тузумини йиқитиш учун олиб борилган шиддатли кураш йилларидаёқ омманинг жанговар ташкилотчилиги ролини ўйнадилар, Россия меҳнаткашларининг ўз эзликларига қарши олиб борган барча синфий курашларида, 1917 йил октябрда жаҳоншумул тарихий талабани қўлга киритишга актив қатнашдилар.

Улут Октябрь социалистик революцияси галаба қилгандан кейин касаба союзларининг аҳамияти янада ўсиб, Совет ҳокимиятининг 40 йил мобайнида касаба союзлари меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлиб ўсиб, ўз сафарида 47 миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчиларни бирлаштирди. Коммунистик партия раҳбарлиги остида касаба союзлари ҳалқимизнинг ишлаб чиқариш ва тижорий ҳаётининг ҳамма томонларига самарали таъсир кўрсатиб турувчи кудратли кучга айландилар. Давлат, ҳўжалик ва маданий қўрилиш ҳосасида уларнинг роли тобора ўсиб бормоқда. Касаба союзлари бошчилигидаги социалистик мусобақа коммунизм қурилишининг асосий методи, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ва ташкил этишининг, унинг мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашда ижодий ташаббус ва активлигини ривожлантиришнинг методи бўлиб қолди. Совет касаба союзлари, Лениннинг таърифида кўра, мамлакатимизнинг миллион-миллон меҳнаткашлари учун бошқариш ва ҳўжалик қилишининг чинакам мактаби, коммунизм мактабидилар.

Ҳозирги вақтда, партия, совет ҳалқи социалистик жамият қуришнинг тамомлаб, аста-секин коммунизмга ўтишдек тарихий вазифани ҳал қилиб турган бир вақтда, энг қисқа муддатларда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энг таравқий этган капиталистик мамлакатларни қувиб етиш ва ўзиб кетиш учун курашиб турган бир вақтда совет жамиятининг бутун ҳаётида касаба союзларининг роли мислсиз даражада ўсиб кетди.

Касаба союзларининг энг муҳим вазифаси — меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ва активлигини оширишдан, уларни ҳўжалик қурилиш бошқаришда, ишлаб чиқариш планлаштириш ва тақомиллаштириш, меҳнатини ва иш ҳақини ташкил этиш ишида дом қатнашишга тобора кенгроқ жалб этишдан иборат: саноатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ ҳўжалигида меҳнат умумдорлигининг узлуқсиз ўсиб бориши учун курашда ҳў тарофлама ердамлашишдан иборатдир. Касаба союзлари илгор тажрибани кенг

ейишга, қолоқ корхоналарга, қурилишларга, пехларга, участкаларга ва айрим ишчиларга ёрдам кўрсатишга кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Партия ва ҳўкумат томонидан саноат ва қурилиш раҳбарлигининг қайта ташкил этилиши касаба союзлари олдига меҳнаткашларни ишлаб чиқариш бошқаришга жалб этиш учун янада катта имкониятлар очиб бериб, ишчилар синфининг сиесий ва ишлаб чиқариш активлигини янада юксак даражага кўтарди. Касаба союзларини қайта қуришни тезроқ амалга ошириш, маҳаллий ташкилотларга оператив раҳбарлигининг асосий марказини республикаларга, ўлкаларга ва областларга қўйиш керак, маҳаллий касаба органлари ва бошланғич касаба союз ташкилотларининг активлигини ошириш, касаба союз аъзоларининг фаолиятини ҳар тарофлама ривожлантириш керак — бутун касаба союз ишини янада юксалтиришнинг гарови ана шундир.

Касаба союз ташкилотларининг вазифаси меҳнаткашларнинг маийий эҳтиёжларини ва маданий талабларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик кўрсатишдан, ишчи ва хизматчиларнинг ҳўқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишдан, бу ҳўқуқларининг айрим ҳўжалик органлари томонидан бузилишига йўл қўймаслиқдан, совет меҳнат қонунчилига яқин руқ қилинишини ҳамда коллектив шартномаларининг, уй-жой ва маданий-маийий қурилиш планларининг бажарилишини қатъий талаб қилишдан иборатдир. Меҳнаткашларнинг дам олиш вақтининг ушатириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, касаба союз маданий муассасаларининг иш мазмунини тинимай ахшилаш керак, токи бу иш ишчи ва хизматчиларда ўзларини мамлакатининг ҳўжайини тўғусини, ўз корхонасининг аҳволи учун масъулият ҳиссини, онгли интизом, меҳнатга ва социалистик муяққа коммунистик муносабатда бўлиш тўғусини тарбиялашга кўпроқ ёрдам берсин.

Совет касаба союзлари ишчилар синфининг ҳалқаро бирлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, касаба союзлари бутун жаҳон федерациясининг фаолиятида катта роль ўйнамоқдалар. Пролетар интернационализм руҳида тарбияланган касаба союзлари ҳаминча бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашувчиларнинг биринчи сафарида бўлиб қолдилар. Бундан бундан ҳам улар тинчлик учун, ҳалқаро бирдамликни ва барча мамлакат меҳнаткашларининг бирлигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган олзийнаф курашнинг авангарди бўлиб бормоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети совет касаба союзлари ўз олдидилар турган вазифаларни бажариш учун, КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш учун тинимай курашадилар, бизнинг социалистик Ватанимизда янада кудратли бўлиш учун, совет ҳалқининг ҳаёти янада ахши, фаровон, янада маданий бўлиши учун олтинчи беш йиллик планларини муваффақият билан бажариш йўлида социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юборадилар, леб қатъий ишонч билдиради.

КПСС Марказий Комитети совет касаба союзларига мамлакатимизда коммунизм қуришдек улутвор вазифани амалга ошириш учун миллион-миллон меҳнаткашларни сафарбар қилиш ишда чин қўйилган янги муваффақиятлар тилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИНING МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Совет касаба союзларининг 50 йиллиги муносабати билан Жаҳон касаба союз федерациясининг Бутуниттифок касаба союзлари Марказий Кенгашига мактуби

Капиталистик эксплуатациядан абадий озод бўлган, ўз мамлакатини ва ўз тақдирининг ҳўжайини бўлиб олган Совет Иттифокнинг меҳнаткаш эркак ва хотин-қизлари ўзларининг кудратли касаба союз ташкилотларининг шонли эллик йиллигини тантавали ваизига нишонламоқдалар.

Барча мамлакатларда ҳали эзилган ва эксплуатация қилинган эллик эндиликда янги жамият қураётган ўн миллионларча меҳнаткаш эркак ва хотин-қизлар ўз совет қардошларининг ҳаминча эришган муваффақиятларини ҳўрсанччилик ва муҳаббат билан кузатиб турмоқдалар ва бу муваффақиятлар қувончини улар бирга баҳам қўладилар.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси шу ўн миллионларча меҳнаткаш эркак ва хотин-қизларнинг туғайиб бўлган бутун дўш меҳнаткашларнинг ишонча ва муҳаббатини қозонди. Ўз фаолиятида марксизм-ленинизм принципларида, Коммунистик партия сиебатига оғинамай амал қилаётган совет касаба союзлари бундан бундан ҳам ўз шонли традицияларига содиқ бўлиб қолади, миллий ва интернационал алоқаларини тинимай кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Коммунизм мактаби — совет касаба союзларига шон-шарофлар бўлсин!

16 июлдан 16 августгача Бельгия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг делегацияси Совет Иттифокда бўлди. Делегацията Марказий Комитетнинг секретари ўртоқ Ж. Ван Муркерке бошчиликл қилди.

Делегация Совет Иттифокда бўлган вақтда совет ҳалқининг ҳаёти билан ва КПСС ташкилотларининг фаолияти билан танишиш, саноат корхоналарида, қолхоз ва совхозларда бўлиб, партия, касаба союз ва совет ташкилотларида ун қизик-тиртган масалалар юзасидан ҳў тарофлама сўхбатлашди, ишчилар ва хизматчилар билан, ёшлар билан, фан ва маданият арбоблари билан учрашди. Делегация мамлакат бўйлаб саяҳат қилиб, Ленинград, Магнитогорск, Кустанай областлари ва Сочи шаҳрида бўлди.

тиб ҳамда бутун дўш меҳнаткашларнинг манфаатларини қўлаб, ярим аср мобайнида олиб борган курашда ва фаолиятида эришган ажойиб муваффақиятлари билан қизгин табриклайди ва кўтлайди.

Совет Иттифоқи касаба союзлари ҳалқаро ишчилар бирдамлигини ёрдам кўрсатишда чор ва капиталистик эзлим системасини тутатишда, биринчи социалистик давлатни вужудга келтириш, ҳимоя қилишда ва унинг иқтисодий, соиал ҳамда маданий жиҳатдан мавж рўй юксалишида жуда катта роль ўйнади.

Совет касаба союзлари социалистик экономикани бошқаришда меҳнаткаш эркак ва хотин-қизларини дом кенг иштирок қилдириб, уларнинг турмуш ва меҳнат шартини яхшилаш тўғрисида дом ғамхўрлик қилиб, бутун совет ҳалқининг ишончига сазовор бўлдилар.

Совет касаба союзлари социалистик жамиятни қуриш ва ҳимоя қилиш йўлида тинимай кураш қилиб борадилар, меҳнаткашларнинг қолдиқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида самарали иш қилиш, тинчлик ишига, ишчиларнинг бир-

лиги ва ҳалқаро бирдамлиги ишда ҳаминча содиқ бўлиб қолдилар, ҳалқларнинг фашизмга қарши курашда ва галаба қозонишда қаҳармонона иштирок қилдилар, бундан 12 йил муқаддам Жаҳон касаба союзлари федерациясини вужудга келтиришда актив роль ўйнадилар, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан қардошларча бирдамлик намуналарини кўрсатдилар ва барча касаба союз ташкилотлари билан дўстона алоқаларини кучайтирдилар. Совет касаба союзлари бу билан бутун дўш меҳнаткашлари ва касаба союзларининг дўстлиги, ҳўрмати ҳамда мустаҳкам бирдамлигига эришдилар.

Янасин совет касаба союзларининг 50 йиллиги!

Янасин Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ва касаба союзларининг бутун дўш меҳнаткашлари билан бирлиги ва бирдамлиги!

Янасин ишчиларнинг ҳалқаро бирдамлиги!

Луи САЙЯН.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ К. Е. ВОРОШИЛОВ ВА БОЛИВИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ЭРНАН СИЛЕС СУАСО ТЕЛЕГРАММА ОЛИШДИЛАР

Боливиянинг миллий байрами — Мустақиллик Кўни муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов шу йил 4 августда Боливия республикасининг Президенти Эрнан Силес Суасога табрик телеграммаси юборди:

Эрнан Силес Суасо жаноб Олийларига, Боливия республикасининг президентига

ЛА ПАС ШАХРИ

Боливия республикасининг миллий байрами кўнида — Мустақиллик Кўнида, президент жаноблари, Боливия халқига ва Сизга шахсан менинг табриклирини ва энг яхши тилдаклирини қабул қилгилэз.

Н. ВОРОШИЛОВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Боливия республикасининг президенти Эрнан Силес Суасо шу йил 16 августда К. Е. Ворошилов номта жавоб телеграммасини юборди:

Климент Ворошилов Жаноб Олийларига, СССР Олий Совети Президиумининг Раисига

МОСКВА ШАХРИ

Боливия халқи, ҳўкумати номидан ва шахсан ўзимдан Сиз Жаноб Олийларига миллий байрам муносабати билан самимий табриклирингиз учун ташаккур билдираман.

ЭРНАН СИЛЕС СУАСО,
Боливия Президенти.

ФИНЛЯНДИЯГА БОРАЁТГАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Финляндия парламентининг тақдирга мувофиқ Хельсинкига бораётган Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг делегацияси 17 август куни Москвага келди. Делегацията Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Домний комитети раисининг ўринбосари Сайфуддин Азизов бошчиликл қилмоқда. Сайфуддин Азизов бир неча кундан бери Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Хитой парламент аъзолари Москвада бир неча кун бўладилар. (ТАСС.)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАСИ «ЗАРЯ ВОСТОКА»НИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МҲОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика газетаси «Заря Востока»нинг ўн мингичи сон яқини муносабати билан ва унинг Грузия ССР меҳнаткашларини коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақият билан бажариш учун сафарбар қилишдаги самарали фаолиятини тақдирлаб, «Заря Востока» газетасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мўҳофотласин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль
1957 йил 19 август.

Ҳўжаликнинг сёрдаромад тармоғи — чўчкачиликни ривожлантирайлик

Партия ва ҳўкуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш соҳасида яқин йилларда Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги қараридан руҳланган областимизнинг илгор чорваларлари 1957 йилнинг ўтган ойларида бир мунча яхши натижаларга эришдилар. Сут, ёғ, жўн етиштириш сезиларли даражада кўнайдилар. Қорасув, Тошкент, Паркент, Қўйи Чирчиқ районларининг айрим қишлоқларида сут етиштириш ўтган йиллардагига қараганда икки-уч марта кўнайдилар.

Бирок шунинг айтиш керакки, гўшт етиштириш масаласида бизда ҳали ҳам яхши йўлга қўйилмаган. 1957 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида ҳар 100 гектар ер ҳисобига план бўйича 20,8 центнердан гўшт етиштирилиши керак эди. Аммо шу давр мобайнида ҳар 100 гектар ер ҳисобига атиги 6 центнердан гўшт етиштирилди. Паркент, Пискент, Ховос районларида айниқса кам гўшт тайёрланди.

Гўшт етиштиришни қўлайлаштиришнинг муҳим резервларидан бири чўчкачиликни ривожлантиришдир. Шунга қарамай, чорвачиликнинг бу сёрдаромад тармоғи бутун чоралар билан ривожлантирилмаётди. Мираачўй районидан Карл Маркс номида, Мичурин номида, Октябрь районида Энгельс номида, Ёрта Чирчиқ районида Максим

Горький номида ва Илчи номида қолхозларда шу кунга қадар чўчкачилик фермалари ташкил этилмаган.

Шунингдек, гўшт етиштиришни қўлайлаштиришда паррандачиликни ривожлантириш ва қўнчилик фермаларини ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Лекин областимиздаги қўнчилик қолхозларида бу соҳави ҳам ривожлантиришга эътибор берилмаётди. Мавжуд товуқ фермалари, қўнчилик фермалари шу кунга талаб даражасида эмас.

Сут етиштириш соҳасида ҳам талабгана қамчиликларга йўл қўйилмоқда.

Вазифа — мавжуд имкониятлар, ички резервлардан тўла фойдаланиб, гўшт, сут, ёғ маҳсулотлари етиштиришнинг қискин даражада қўлайлаштиришдан иборат. Бунинг учун биринчи навбатда сиедос бостириш ишини ушшоқчилик билан ўзлаштириш, мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш лозим. Шунингдек, чорва моллари эзтиги яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, чорва фермалари билан ишларни механизациялаштиришга қаратилган, партия ва ҳўкуматимиз томонидан белгиланган қатор тадбирларни

50 Касаба союзиари-коммунизм мактаби 50

Меҳнатнашлар манфаати йўлида ярим асрлик нураш

Мамлакатимизда касаба союзлари тузилганга бу йил эллик йил бўлади. Касаба союзлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар манфаати учун, коммунизм иши учун ярим асрдан буюн курашиб келмоқда.

В. И. Ленин 1905 йилдаёқ партиянинг Одесса комитети секретари С. И. Гусевга юборган хатда бундай деб ёзган эди: «Россия социал-демократиясида аввал бошдаёқ касаба союзлари ҳақида тўғри йўл тутиш, бу соҳада социал-демократларча ташаббускорлик, социал-демократларча иштирок қилиш, социал-демократларча раҳбарлик қилиш традициясини дарҳол вужудга келтириш муҳимдир». (Асарлар, 34 том, 375 бет).

Партия касаба союзларининг «бетафаришти» тўғрисидаги меншествик уставига қарши қатъий равишда қарши чиқди ҳамда касаба союзларини ишчилар синфининг жанговар революцион ташкилотларига айлантириш учун сабот билан курашди. Касаба союзлари 1905 йилда кўп сонли эстачиларда ва намоёнчиларда, Бутунроссия иккунчи съезидан кейин, декабрь куни Россияда 245 минг ишчини бирлаштирган 652 касаба союзи бор эди.

Февраль сўража-демократик революциясининг ғалабаси натижасида касаба-чилик ҳаракатининг янгида юксалиши учун кулай шароит вужудга келди. 1917 йил майда келиб касаба союзларида бир ярим миллионга яқин ишчи ва хизматчилар бор эди. 1917 йил июлда Касаба Союзлари Бутунроссия Марказий Совети — ВЦИСнинг тузилганлиги мамлакатдаги касаба-чилик ҳаракатини бирлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Революциянинг тараққиёт даврида омманинг ташаббуси билан янги ташкилот — фабрика-завод комитетлари вужудга келди. Бу комитетлар корхоналардаги турли касбни ишчиларни бирлаштирди. Фабрика-завод комитетлари касаба союзлари билан биргаликда Октябрь курулди қўзғолонини тайёрлашда кўп иш қилди. 1918 йил январда кўп иш қилди. 1918 йил январда кўп иш қилди. 1918 йил январда кўп иш қилди.

Ишчилар синфи ҳокимиятини қўлга олгандан кейин касаба союзларининг аҳоли ҳамда вазифалари тўғрисида ўзгариш. Совет тузуми пайдо бўлганда ҳам касаба союзлари янги роль ўйнашлари керак эди.

Касаба союзлари пролетариат диктатураси системасида муҳим ўрин эгаллашди. Ишчилар синфининг илғор отряди — Коммунистик партия совет жамиятида етакчи қувчилар. Касаба союзлари эса, партия омма билан «белогоним тасма»дир. Партия ўз ишда бевосита касаба союзларига таянади.

Касаба союзлари давлат ташкилоти эмас... Улар «тарбия берадиган ташкилот, жалб қилдиган, ташаббус берадиган ташкилотдир, у мактаб, идора қилиш мактаби, ҳўжаликни бошқариш мактаби, коммунизм мактабидир». (В. И. Ленин, Асарлар, 32 том, 2 бет).

Совет касаба союзларининг бутун йил амалий иши ана шу ленинча кўрсатма асосида ташкил қилинди ва ташкил қилинмоқда. Касаба союзлари Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб давлат, ҳўжалик ва маданий қўрилишда актив қатнашиб келмоқдалар. Уларнинг ёрдами билан янги, совет давлат аппарати тузилди.

Улар ҳалқ ҳўжалигини тиклаш, мамлакатни индустриаллаштириш ленинча планини амалга ошириш, қиллоқ ҳўжалигини коллективлаштириш ишида ҳам катта роль ўйнашди.

Улар Ватан уруши йилларида касаба союзлари ишчилар синфи ва совет интеллигенциясининг куч-ғайратини фашист босқинчиларини

тор-мор қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилишга қаратдилар. Совет касаба союзлари урушдан сўнгги даврда меҳнаткашларни ҳалқ ҳўжалигини тиклаш ва янада юксалтириш ишига сафарбар қилиб, кўп иш қилдилар.

Мамлакатимизга қарийб ҳар кун ичт эллик делегациялар келмоқда. Улар социализм ютуқларини ўз ўзлари билан қўриб, ишонч ҳўсил қилмоқдалар. Совет касаба союзлари ҳам чет элларга кўп делегациялар юбормоқдалар. Буларнинг ҳаммаси пролетар интернационализм принциплари асосида ўзаро алоқаларни ривожлантиришга ва муштаҳамлашга ёрдам беради. Совет касаба союзлари мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши ишига катта ҳўсис қўймоқда.

Бирок касаба союзларининг фаолияти янги вазифалар ва талабларга тўла жавоб бераётган. Кўнгини касаба союзи ташкилотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат умумдорлигини ошириш, рационализация ва иштирокчилик билан боғлиқ муҳим масалаларни кўтариш ва ҳал қилишда зарур ташаббус ва ғайрат кўрсатаётганлар.

Касаба союзларини ташкилий жиҳатдан қайта қуриш уларнинг ишонч тўбан яқинлашганинг энг муҳим шартидир. ВЦИСнинг 1957 йил июлда бўлиб ўтган VI пленуми ана шундай қайта қуришни вазифа қилиб қўйди.

Ташкилий қайта қуришдан қулайликлар мақсад — касаба союзлар асосини ташкил этган бошланғич касаба союзи ташкилотлари фаолиятини яқинлаштириш.

Ҳалқ ҳўжалиги кенгашлари тузилиб, ҳўжаликка раҳбарлик қилишнинг асосий маркази республикаларга, ўлкаларга ва областларга, корхоналарга яқинроқ жойга қўчирилган ҳўзирги вақтда ҳўжаликни бошқариш ҳамда планлаштириш бариш соҳаларида касаба союзларининг иштирокини кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги В. И. Ленин кўрсатмаси ҳўзир гоёат муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Касаба союзлари олдиди ҳўжалик органлари билан биргаликда меҳнатни тармаклаш ҳамда иш ҳалқини ташкил қилишдаги камчилик ва бузилликларни тўғатиш, ишончнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги тўғрисидаги ленинча принципларни оғинмай амалга оширишдан иборат вазифа турибди.

Ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилишлари, ишлаб чиқариш кенгашлари, конференциялар ва активлар, ишлаб чиқариш планларини тузиш ва баҳарини, меҳнати нормалаш ва ташкил қилиш, меҳнат муҳўфазаси ва техника ҳавфсизлиги, рационализация ва иштирокчилик, меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш, уларга маданий хизмат кўрсатиш масалаларини муҳўкама қилишга коллективларнинг жалб этиш — буларнинг ҳаммаси коммунистик қурилишда омманнинг активлигини ошириш ишига хизмат қилади.

Совет касаба союзларининг бутун фаолияти меҳнаткашларнинг ўзид боғатган моддий ва маданий ҳўзирларини энг кўп даражада қондиришни таъминлашга қаратилганлиги.

Давлат ва ҳўжалик органлари иш ҳақи, ишлаб чиқариш нормаси ўзгартириш, меҳнати муҳўфаза қилиш ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларини фақат

касаба союзларининг иштироки билан ҳал қилишлари керак.

Касаба союзлари қарийб чорак асрдан бери давлат социал страҳование ишини бошқариб келмоқдалар. Давлат томонидан шу мақсад учун тобора кўпроқ ажратилган миллионлар сўм маблағлар меҳнат қилиш қўбилигини вақтинча йўқотганда тўланадиган нафақа ҳамда пенсиялар тарихасида сарфланмоқда. Бу маблағларнинг каттагина қисми меҳнаткашларни ва уларнинг болаларини соғайтириш тадбирларига сарфланмоқда. Масалан, 1957 йилда ишчи ва хизматчиларга санаторий-курорт йўли билан хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг дам олишини ташкил қилиш учун касаба союзлари давлат социал страҳование маблағларидан икки миллиард сўмга яқин, яъни ўтган йилдан қарийб 300 миллион сўм ортиқ маблағ ажратдилар.

Касаба союзлари ихтиёрида 11 мингдан ортиқ клуб, маданият уйлари ва саройлари, 11 минг киноустановка, 115 минг қизил бурчак, 18 минг кутубхона бор. Улар ихтиёрида яна 8 минг стадион, спорт заллари, физкультура уйлари, бассейнар, сув, ёнтак, елкан ва лижа станциялари бор.

Партия барча жамоат ташкилотлари, шу жумладан касаба союзлари олдиди омманий-сиёсий ишларни ҳамда меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишнинг анча яқинлаш вазифасини қўйди. Касаба союзлари ихтиёридаги моддий базани ҳар тарафлама ривожлантириш ҳамда бу базадан омман коммунистик руҳда тарбиялаш иш учун тўғри ва билиб фойдаланиш зарур.

1957 йил 1 январига бўлган маълумотларга қараганда, мамлакатимизнинг касаба союзлари саноатда 47.146.379 ишчи, хизматчи, ўқувчи бор. Совет касаба союзлари ўз аъзоларининг сонини жиҳатидан жаҳонда энг йирик касаба союзи дор.

Мамлакатимизда касаба-чилик ҳаракатининг барча муҳўлари бу ҳаракатнинг голлий раҳбари ва илҳомчиси Коммунистик партия бўлганлиги тўғрисида қўлга киритилди. Коммунистик партия В. И. Ленин ҳаёт вақтида касаба союзларига катта эътибор берди, касаба союзларининг фаолиятини тўғрисидаги масалаларни ўз сўзларида қўйди марта ва ҳар тарафлама муҳўкама қилди. Ҳўзирги вақтда ҳам партия ва унинг Марказий Комитети касаба союзларига улар олдиди турган вазифаларини ҳал қилишда доим ёрдам берибди. КПСС Марказий Комитети Президиуми партияда касаба союзлари иш масалаларини доим муҳўкама қилишдан иборат ленинча практикани яна «қилди». Бу масалаларга партиянинг XX съезиди, Марказий Комитетнинг декабрь ва февраль пленумларида ҳам катта эътибор берилди.

Совет касаба союзлари Маленков, Каганович, Молотовларнинг яқинда фож қилинган партияга қарши группасини қатъий равишда қоралладилар. Фитначиларнинг партия боти йўлига қарши қаратилган хўружларига қатъий зарба берилди.

Бу шахслар ишчилар синфининг бирлигига, ҳалқ ва унинг омманий ташкилотлари, шу жумладан партия ва унинг ленинча Марказий Комитети теваригаги бирлашган касаба союзларининг бирлигига қарши зарба беришга уриндилар. Бирок бу сира амалга майдадан беҳуда уринишлар. Совет касаба союзлари Коммунистик партияга ва унинг ленинча Марказий Комитетига эргашиб боришлар ва эргашиб бориладилар.

Касаба союзлари ўз фаолиятини тақомиллаштириб, бутун куч-ғайратини коммунизм қуриш ишига сарфлаб, ўз соҳасида Коммунистик партиянинг эркин, жанговар ёрдамчиси бўлиб келиш ва бундан буюн ҳам шундай ёрдамчиси бўлиб қолади.

К. МИХАЙЛОВ.

БИЗНИНГ АКТИВЛАРИМИЗ

Яқинда комбинатимизнинг ташкил этилганга 25 йил бўлди. Бу вақт ичиди бизнинг касаба союзи ташкилотимиз анча муштаҳамланди, омма билан алоқаси яқинлашди, унинг сонин илғор тўқимачилар ҳисобига ўсди. 1934 йилда комбинатимизда ишловчи ишчи ва хизматчилардан 20 процентигина касаба союзга аъзо эдилар. Экинчилик 18500 тўқувчи ёки комбинатдаги ишчи ва хизматчилардан 94 проценти касаба союзга аъзодорлар. Бундан ташқари касаба союзи ташкилоти 3000 дан ортиқ активга эгадир. Союз аъзоларимиз кенг омма билан яқиндан алоқада бўлиб ишлаб чиқаришда актив қатнашаётганлар. Минглаб союз аъзоларимиз социалистик мусобақага актив қатнашиб иш нормаларини 1,5-2 баравар ва ундан ҳам ошириб бажармоқдалар.

Комбинатнинг фабрика ва цехларида кўнгини профгруппалар ишлаб турибди. Улар социалистик мусобақани кучайтиришда ташкилотчилик қилишди. Доброва, Трусова, Гарелова, Муталиев, Пўлошев каби илғор ишчилар 10-15 йилдан бери касаба союзи ишда актив қатнашмоқдалар. 1-йигирув фабрикасининг тўқувчилари ишчи ўртоқ Мартиновани бир неча йилдан бери цех комитетининг расислигига сайлашди. Мастер ёрдамчиси ўртоқ Гринкина 18 йилдан бери цех комитетига раҳбарлик қилаётган. Улар ишчиларнинг ишончини тўла оқлаб касаба союзи ташкилотларининг ишчанлик қўбилигини оширмоқдалар.

Комбинат фабрика кенг активлар оmmasга талиб цех ва фабрика касаба союзи ташкилотлари билан бўлган алоқани муштаҳамламоқда. Касаба союзи ташкилотлари ишчилар ўртасида социалистик мусобақани анж оддириб, уларнинг маиший ва маданий ҳўжалигини янада яқинлаш учун курашмоқдалар.

А. АХМДЖОНОВ.


Тошкент тўқимачилик комбинати фабриканинг расис.

Шонли 50 йиллик шарафига

Республикамиз, шу жумладан областимиздаги саноат корхоналарида транспорт ва куриш ташкилотларида СССР касаба союзларининг шонли 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлар, доклад ва сўхбатлар, кекса касаба союзи активлари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Пойтахтдаги Тельман номи маданият ва иштироҳат паркида шонли 50 йилликка бағишланган омманий сайлар ўтказилди, кекса союз аъзолари билан учрашувлар ташкил этилди. Корхоналарда «СССР касаба союзларининг 50 йиллиги», «Касаба союзлари — коммунизм мактаби» ва бошқа темаларда лекция ва сўхбатлар ташкил қилинди. Лекция ва сўхбатларни илғор билимлар тарқатиш жамиятининг аъзолари ва касаба союзи ташкилотининг раҳбарлари ўқидилар. Худди шундай йиғилишлар, жумладан Тошкентдаги 1-автомобил заводида, Янгйер шаҳридаги 3-курлиш-монтаж бошқармасида 1-ва 3-автомобилларда, пойтахтдаги олий ўқув юрталарида бўлиб ўтди.

Узсовпроф ўзбекистон кинопрокат контраси билан биргаликда касаба союзи клубларида ва маданият саройларида шонли юбилейга бағишланган кинофестиваллар ўтказмоқда.

Шунингдек 16-19 август кунлари шонли 50 йилликка бағишланган ўзбекистон саноат корхоналаридаги физкультура коллективларининг республика биринчилиги учун спортининг турли соҳалари бўйича мусобақалар ўтказилди.



Тошкентдаги «Автотракторолеталь» заводининг коллективи ВП 24х5 маркали янги конструкциядаги насос ишлаб чиқаришни ўзлаштириди. Насос конструкциясида ўрта осеи илғий текшириш иригация институтининг ҳамда завод инженер-техник ходимлари ҳамкорликда тайёрлаганлар. Бу насос минутига 12 кубометрга суя чиқара олади. Суратда: янги насос синаб қўриломоқда.



Э. Погорьельченко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).



Суратда: Илғор номли завод касаба союзи комитетининг аъзолари ишчилардан тушган навбатдаги аризани муҳўкама қилмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Борис завкомдан миннатдор

Борис яшга келиши билан цехдаги ўртоқлари завод директори Дмитрий Иванович Скорик уни йўқалганини айтишди. У дарҳол директор кабинетини томон қараб кетди.

— Ҳўш ўртоқ Денисов ишлар қалай, — деди директор Борисни қарши олар экан.

— Емон эмас, ҳар қалай ишлаб турибман.

— Нега ёлгон гапирасан. Ишингдан цех дошқиллари, мастери манамиш эмас-ку, — директор сўзини давом этди. — Мана кеча цех бошлигининг ўринбосари сеннинг устидан рапорт ёзиб берди. Нормасини бажармайдми, бошқаринишдан қолдирадми, мастериинг буйруғига бўйсинамайдми деб шикоят қилибди.

Директор Борисга қаради. У бошини қўйи солиб, бир тоқкага тикилганича ҳаёлга қўйиб ўтирдилар. Борис кеча бироз тоби қочгани тўғрисида кўннинг иккинчи ярида яхши ишлай олганини, мастер Петр Салин унинг тоби қочганлигига ишонмай даласи, ишқимас деб қўйганини аслади. Мана энди директорга шикоят қилишди.

— Биз сизин ишлан бўшатдик, мана дуйрук. Ишончини оқламадингиз, — деди директор.

Борис ҳал билан директор ҳўзуридан қандай қилиб чиқиб кетганини ҳам билмади. Цехдаги ҳам-кабарига воқияни айтган эди, унга завод касаба союзи комитетига мурожаат қилишнинг маслаҳат беришди.

Завком расис Анастасия Максимовна Петрихана Денисовни очик чехра билан қарши олди. Бориснинг эъзадига ғамтиликни кўриб:

— Нима гап, тинчликми. Эрта-қаладан ташвишли кўрсанасиз, — деди у.

— Цех дошқилнинг ўринбосари устидан шикоят қилиб, директорга

рапорт ёзиб берилди. Директор бўлса ишдан бўшатилга буйрук берилди. Мен рапортдан норозиман. Завком шу ишга аралашинг ким ҳақ, ким ноҳақ очди қилса деб кирдим, — деди Борис.

— Нега норозисиз, тухмат қилишибдингиз?

— Мастериини Петр Салин қўл остидаги ишчининг моддий манфаати тўғрисида ўйламайди. Нукул планини гапирди. Қўлол муомалада бўлиши устига иш унуми юқори бўлган станокда ишлашга негидир русхат бермайдми. Кеча сал тобим қочиб, яхши ишломасам дарвор рапорт ёзишди. Дар айбон бўйнимга қўйиб, ишдан бўшатилганга майли эди. Айб ўзимда деб кетаверардим.

— Ҳозирча уйга кетаверинг. Мен гаплагини кўраман. Хафа бўлма. Ҳақиқатга қараб иш тутамиз, — деб юпатди Петрихана.

Завком расис механика цехини айланиб чиқди. Бошқарлар ҳам цех раҳбарларининг «иш ишчилар билан тузук муомалада бўлмасликлари»ни айтишди. Петрихана Борис ҳақида гап очган эди мастер гапига кетди: — Яхши ишлаймиди, сўзга қирмайди, ўйинларимон. Гап сотиб ҳам-мани ишдан қолдирадми...

— Ўртоқ мастер ишлаб чиқаришда жуза яхши тажрибига эгасиз-ку, аммо ёшлар билан ишлай олмайсиз-да. Сал хато қилиб қўйса ишдан бўшатиб юборарсиз, нольйерсак бўладими ахир. Уларни тарбиялашимиз керак. Бу бизнинг энг муҳим вазифамиз. Биларга кўруқ дуйрук беравермай, уларнинг талабларига зийноклик билан кулоқ солиш керак. Уларга маслаҳатгўй отадек муомала қилсангиз ютасиз. Ҳа, шундай. Киши тўғрисида енгил-епин эмас, жиддий ўйлаш зарур.

Т. НАЖМИДИНОВ.

Анастасия Максимовна директор олдига келди. Унга цех бошқиларининг ёш ишчилари, жумладан Борисга илобатан бўлган мусобақаларини, рапорт ва буйруқдан Денисовнинг норози эканлигини айтиди.

— Биз ёш ишчини тарбиялашимиз керак. Тўғридан-тўғри бўшатиб юбораверинг ахши эмас, — деди у пиравориди.

— Фикрингизга қўшилиман, бўлмаса дошқа цехга ўтказиш лозим.

Ране Борисни ишга қабул қилиш тўғрисида темирчилик-қозон цехининг бошлиғи Николай Степанович Духов билан гаплаганди.

— Ўз нехиятларини норози бўлса мен нима қиламан уни.

— Улар ишлатишнинг биламатидилар. Борис ёмон бола эмас. Яхши муомала бўлса бас.

Духов рози бўлди. Шундай қилиб, Борис Денисов механика цехдан темирчилик-қозон цехига ишга ўтказилди. У сизин мулдати дарида яхши ишлаб, Духовга ҳам ёқиб қолди. Яхши муомала, самийий маслаҳат, ишда ташаббусини қўллаб-қувватлаш тўғрисида Борис тез орада илғор ишчилар қаторидан жой олди. Шундан бери орадан 5 йилга яқин вақт ўтди. У ҳўш штаромовчи вазифасида ишлаб кутуллик нормасини 130 процентдан ошириб олд олмоқда. Борис завком ва унинг аъзоларини миннатдор.

Тошкентдаги Илғор номли завод касаба союзи ташкилоти ишчилар тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятига доим биринчи ўринга қўйди. Шу сабабли ҳам 500 дан ортиқ касаба союзи аъзоси ва бошқа ишчи-хизматчилар завод касаба союзи комитетини доим қўллаб-қувватлашди.

Т. НАЖМИДИНОВ.

Касаба союзи пўтёвқаси билан

Николай цехга кириб келиши билан уни дўстлар, ҳамкасблари ўраб олишди.

— Қачон келдинг, Николай, яхши маза қилиб дам олдингми, рехи семирисан, кўриниб турибди.

Атродигилар унинг кўсдада чиниққан юзига заҳаб билан қарар экан, кулуротда олган таасеуротларини сўзлаб беришни Николайдан сўрашди.

«Ўзбексельмаш» заводи касаба союзи комитети (расис ўртоқ Ж. Усмонов) корхона ишчиларининг меҳнат ўтқусаларини қўнглили ва мароқ билан ўтқазиларига алоҳида эътибор бермоқда. Шу йилнинг ўтган 7 ойида завод ишчиларининг 23 киши Сочи, Кисловодск, Египет, Алупка ва Иттифодиянинг бошқа марказий курортларида маданий дам олиб, яхши ҳоралик қилиб келди. Булар орасида бешинчи цех расис Николай Шабалин, биринчи цехи электросваршиги Н. Тоденов, саккинчи цехи расисларини А. Карманова ва бошқа ўртоқлар бор.

Бундан ташқари, завод ишчиларидан Т. Шечкина, У. Юшкова, Н. Килдешева ва бошқалар бўлаб — ҳаммаси 26 киши республикамиздаги курорт ва санаторийларда ўз меҳнат ўтқусаларини қўнглили ўтқазиб қайтишди. Шунингдек, 134 киши турли хил дам олиш уйларида, 500 дан ортиқ киши эса бир кунлик дам олиш уйларида бўлишди. Завод касаба союзи комитети санаторий, курорт ва дам олиш уйлари учун 37 пўтёвқани ишчиларга бепул берди.

Яна йил охиригача курорт ва санаторийларга 26 кишини ва дам олиш уйларига 100 та яқин ишчи ва хизматчиларнинг ғамхўрлидир.

Р. ПИДАЕВ.

Бўжув ГЭСи машинисти.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Мамлакатимиздаги энг омманий ташкилот бўлган совет касаба союзлари тез ўсиб бормоқда. 1948 йилда Ўзбекистонда 511.035 аъзоси бўлган 8.302 касаба союзи ташкилоти бўлган бўлса, 1957 йилда касаба союзи ташкилотлари 12.628 га өтди. Улар сафида 1.030.087 киши бор.

Ҳар йили республикамизнинг саноат корхоналарида 25.000 рационализатор ва иштирокчилик тақлифлари тушмоқда. Уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш йилига 120 миллион сўм иқтисод қилиш имконини беради.

Ўзбекистон касаба союзлари ихтиёрида 275 клуб,

маданият саройи, 1160 қизил бурчак, 283 киноустановка, 300 катта кутубхона бор. Бу кутубхоналардаги китоблар сонини 3 миллиондан өртади.

Касаба союзи маданий муассасаларида 1800 ҳавсдорлик тўғраги ишлаб турибди. Уларга 35.000 ишчи, хизматчи ва уларнинг оила аъзолари наташади.

1957 йилда омманий-маданий тадбирлар ўтказишга 26 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

1947 йилда касаба союзларининг пўтёвқалари билан дам олиш уйларида ва санаторийларда 27.365 киши

дам олган бўлса, 1956 йилда 57.810 киши дам олди. 1956 йилининг ўзидида дам олиш уйлари ва санаторийларда дам олиш учун берилган пўтёвқаларга 32.278 минг сўм сарфланди. 4500 ишчи ва хизматчи касаба союзларининг фабрика-завод санаторийларида дам олди.

Ҳар йили касаба союзларининг лагерларида Ўзбекистон ишчи ва хизматчиларининг 50.000 дан ортиқ боласи дам олади.

1956 йилда ҳўмалдорлик ва туғиш учун, шунингдек ё

